81.(030)
И-45.

ШУҲРАТХОН ИМЯМИНОВА
ЗАЙНИДДИН САНАКУЛОВ

НЕМИСЧА–ЎЗБЕКЧА СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРИ ДЕРИВАТОЛОГИК ЛУҒАТИ



84.(030)
Н-45.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ШУҲРАТХОН ИМЯМИНОВА
ЗАЙНИДДИН САНАКУЛОВ

НЕМИСЧА-ЎЗБЕКЧА СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРИ ДЕРИВАТОЛОГИК ЛУҒАТИ

- 33577 -

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Тошкент
«Университет»
2021

Имяминова Ш.С., Санакулов З.И. Немисча-ўзбекча сифат лексемалари дериватологик луғати. –Т.: «Университет», 2021. –80 бет.

УЎК: 81(038)=112.1=512.133
КБК: 81.2
И 45

Мазкур луғат «Сўз ясалишининг лексикографик аспекти (немис ва ўзбек тиллари мисолида)» мавзусидаги илмий тадқиқотимиз доирасида тайёрланган бўлиб, у немис тили сифат ясовчи элементлари ва уларнинг ўзбек тилига муқобил таржимасига бағишланган. Луғатда муқобил таржималар билан бир қаторда ушбу бирликларга тегишли қўшимча маълумотлар, жумладан, уларнинг тури, маҳсуллилик даражаси, келиб чиқиши ҳамда улар ёрдамида ҳосил қилинган лексемаларнинг берилиши лексикографик манбанинг амалий аҳамиятини оширади. Ушбу луғатдан олий ўқув юрти талабалари, магистрант ва докторантлар, шунингдек, профессор-ўқитувчилар лексикология, лексикография, таржимашунослик ва чоғиштирма тилшунослик каби фанларни ўқитишда фойдаланишлари мумкин.

МАСЪУЛ МУҲАРРИР:
Филология фанлари номзоди, профессор – **Х. Рахимов**

ТАҚРИЗЧИЛАР:
Филология фанлари номзоди, доцент – **Ю. Исмоилов**
Филология фанлари номзоди, катта ўқитувчи – **М. Зулхонов**

Ушбу луғат Ўзбекистон Миллий университети услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.
Баённома № 4, 2020 йил 30 июнь.

ISBN: 978-9943-6555-7-7

© «Университет» нашриёти, Тошкент, 2021 й.
© З.И. Санакулов

СЎЗ БОШИ

Мазкур «Немисча-ўзбекча сифат лексемалари дериватологик луғати» ўзбек луғатчилигининг «Сўз ясалиши» тизимида ўзбек ва немис тиллари доирасида яратилган дастлабки луғат ҳисобланади. Унда сифат лексемаларии ясовчи 170 га яқин бирликлар қамраб олиниб, ҳар бир аффикс алоҳида лемма сифатида берилган ҳолда мисоллар ёрдамида ёритилган. Луғат мақолалари етакчи лексикографик олимларнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда ҳамда мавжуд лексикографик макро- ва микроструктуравий тамойиллар асосида тузилган. Ундан олий ўқув юрти талабалари, магистрант ва докторантлар, шунингдек, профессор-ўқитувчилар лексикология, лексикография, таржимашунослик ва чоғиштирма тилшунослик каби фанларни ўқитишда фойдаланишлари мумкин.

Немис ва ўзбек тиллари иштирокида сўз ясовчи элементларга бағишланган луғатларнинг мавжуд эмаслиги, бир тарафдан, мазкур амалий ишнинг яратилишида маълум қийинчиликларни келтириб чиқарган бўлса, бошқа тарафдан, бизни долзарб ва баҳсли мавзуга қўл уришимизга, бу орқали эса мавжуд лексикографик бўшлиқни маълум даражада тўлдиришга руҳлантирди.

Луғат фойдаланувчилари томонидан билдирилган қимматли фикр ва мулоҳазалар, шунингдек, луғатни такомиллаштириш борасида билдириладиган таклифлардан муаллифлар хурсанд бўлишади.

ЛУҒАТДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

I. Лемма[1]. Леммалар луғатда алфавит тартибида жойлаштирилган бўлиб, бунда улар (**-a·bel**) бўғинларга ажратилиши қалин нуқта (·) орқали ва улар ёрдамида ҳосил қилинган ясама сўзлар ***яримқалин қия босма –курсив*** ҳарфлар билан ажратиб ёзилган. Леммага тегишли қўшимча маълумотлар (*каммаҳсул, урғули, сермаҳсул* ва шу к.) курсив ҳарфларда, таржималар ва уларнинг синонимлари эса қора оч рангда берилган. Леммалар сўз ясовчи элементлардан таркиб топганлиги сабабли, даставвал, ўша аффикснинг маъноси, сўнгра, у билан ҳосил қилинган ясама сўзлар таржималари билан берилган. Масалан:

al·lo-, *унлилар олдидан* **all-** [al-] *шаклида, маҳсулсиз* ўзлашма префикс *<грек.>* –

сифатларга ўзгарувчанлик, хилма-хиллик маъносини беради; ***allochromatisch*** [-к-] аллохроматик □ chromatisch, ***allochton*** *геол.* аллохтонник □ autochton, ***allogam*** кзндаланг чангланадиган/уруғланадиган

Ушбу ясама сўзлар таржималари бир сўз ёки мазмунан бир-бирига яқин синонимлар орқали ифодаланган.

Бир неча маъно қаторига эга бўлган аффикс *кўп маъноли* дея қайд этилган ва унинг маънолари бир-биридан араб рақами билан ажратилган.

-al *урғули, каммаҳсул* суффикс

1. Ким/ниманингдир ҳолатида, тарзида, ким/нима каби/сингари ≈ -artig, -haft; ***horizontal*** горизантал, ***katastrophal*** фалокатли, ***normal*** нормал, табиий, мўтадил; одатий, ***triumphal*** зафар (ғалаба)га оид, зафар ...; голибона
2. *Даражасиз*; -дан келиб чиқиб, -га таяниб, -га оид; ***formal*** формага оид, формал; расмий, ***hormonal*** гормонал, гормон...,

[1] Кўпчилик манбалар(Беньяминов Я., Саидов С. Немисча-ўзбекча ўқув луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1991; Исмоилов Ю., Каримов Ш. Немисча-ўзбекча, ўзбекча-немисча луғат. –Т.: Академнашр, 2020)да ушбу тушунча «Бош сўз» термини орқали ифодаланса-да, илмий ишимиз икки тилли луғатларга бағишлангани сабабли ҳамда ҳар иккала тил доирасида тушунарли терминлар қўлланиши лозимлиги нуқтаи назаридан халқаро термин саналган «лемма»дан фойдаланиш ўринлидир.

kolonial мустамлакачиликка ва мустамлакаларга оид; колониал; мустамлака...; мустамлакачилик...; колония (қарам) бўлган, мустамлака; қарам, ***national*** миллатга тегишли, миллий, ***regional*** ҳудудга оид; ҳудудий…

Сўз ясовчи элементлар турларини фарқлашда М. Д. Степанова («Словарь словообразовательных элементов немецкого языка», Москва: Русский язык, 1979) томонидан тақдим этилган классификацияга таянилди, хусусан, мазкур луғатда ***суффикс, яримсуффикс, ўзлашма суффикс, мураккаб суффикс, префикс, яримпрефикс, ўзлашма префикс, мураккаб префикс, мураккаб сифатнинг биринчи частотали компоненти*** каби аффикс турлари фарқланди. Улар леммадан кейин одатий ҳарфларда берилган:

al·ler- *урғули, сермаҳсул* ярим префикс, *деалик сўзл. усл.*; Орттирма даража мазмунини янада кучайтириш, орттириш учун ишлатилади; ***allerbest-*** энг яхши

Муайян аффиксдан ҳосил қилинган лексемаларнинг сўз ясалиш асоси □ белгисидан кейин берилган. Агар мазкур белги мавжуд бўлмаса, ушбу лексема уникал асос ҳисобланади. Масалан:

-a·bel *феъллардан (асосан –ieren билан тугаган)кейин қўшилади, урғули, каммаҳсул* ўзлашма суффикс *<лот. -фр.>*

Нимадир мумкин, имконли ёки ким/нимадир бирор нарса учун яроқлилигини ифодалайди ≈ -bar; ***akzeptabel*** мақбул, маъқул □ Akzept *n*, ***deklinabel*** турланувчи □ Deklination *f*, ≈ deklinierbar ↔ indeklinabel <ein Wort>, ***transportabel*** <ein Fernsehapparat> кўчма, кўчириладиган □ Transport *m*, ***praktikabel*** <eine Lösung, eine Methode> амалий, амалга оширса бўладиган □ Praktik *f*, ***reparabel*** тузатиб (таъмирлаб) бўладиган □ reparieren, ≈ reparierbar ↔ irreparabel <ein Schaden>

II. Семантик хусусиятлар. Лемма синонимга эга бўлса, синонимлар ≈ белгиси, унинг антоними эса ↔ белгиси орқали ифодаланган:

a- *каммаҳсул префикс*; Ўзидан кейин келган сифатнинг антоними, қарама-қарши маъносини билдиради ≈ un-; ***ahistorisch*** <eine Betrachtungsweise> нотарихий, тарихий эмас...

-a·bel *феъллардан (асосан –ieren билан тугаган)кейин қўшилади, урғули, каммаҳсул* суффикс; Нимадир мумкин, имконли ёки ким/нимадир бирор нарса учун яроқли эканлигини ифодалайди ≈ -bar; ***akzeptabel*** мақбул, маъқул, ***deklinabel*** турланувчи ≈ deklinierbar ↔ indeklinabel <ein Wort> турланмайдиган

Лемма ёрдамида ҳосил қилинган ясама сўзларнинг прагматик хусусиятини ёритиш мақсадида <...> белгисида ушбу лексема билан сўз бирикмаси ҳосил қилиниши мумкин бўлган сўзлар берилган:

-a·bel ... ***deklinabel*** турланувчи ≈ deklinierbar ↔ indeklinabel <ein Wort> турланмайдиган, ***transpõrtabel*** <ein Fernsehapparat> кўчма, кўчириладиган, ***praktikabel*** <eine Lösung, eine Methode> амалий, амалга оширса бўладиган

Лемма мақоласига киритилмаган қўшимча маълумотлар || Изоҳ: шаклида берилган:

a- *каммаҳсул* префикс; Ўзидан кейин келган сифатнинг антоними, қарама-қарши маъносини билдиради ≈ un-; ... ***asymmetrisch*** <eine Figur> асимметрик, носимметрик, симмеметриясиз

|| Изоҳ: бу префикс *abnorm* нотўғри, нонормал сўзида *ab-* шаклида ҳамда *anorganisch* ноорганик, жонсиз сўзида *an-* шаклида келади.

Агар лемма алламорфема бўлса, ўша морфема мақола берилган асосий лемма(морфема)га ↑ ёки ↓ белгиси орқали йўналтирилган:

il- префикс; ↓in-

Леммадан адабий тил лексемаларидан бошқа сатҳ бирликлари ясалса, улар *курсив* ҳарфларда қайд этилган:

in- *урғули, каммаҳсул* ўзлашма префикс, *ёзма усл.*

шахс ёки предмет сўз ясалиши асосидан англашилган нарсага, белгига, хусусиятга эга эмаслигини билдирувчи сифат ясайди

III. Талаффуз. Лемманинг талаффузига оид маълумотлар, асосан, ўзга тиллардан ўзлашган ва одатий немис тили талаффуз қоидаларига мос келмайдиган бирликлардан кейин [-♥∠*f*] шаклида берилган:

-iv [-♥∠*f*] *урғули, каммаҳсул* суффикс; Маълум белгига, хусусиятга эгаликни ***(aggressiv*** агрессияга, тажовузкорликка, босқинчиликка асосланган, агрессия йўлини тутувчи, агрессив, тажовузкор, босқинчи, ***depressiv*** руҳи тушган, ғамгин, маъюс, ***explosiv*** портловчи, портлайдиган, ***kooperativ*** ҳамкор, кооперативга оид, қарашли; кооперация асосидаги; кооператив...

Қўлланилган қисқартмалар рўйхати

аниқл. – аниқловчи

бад. – бадиий

бот. – ботаника

ва шу к. – ва шу кабилар

геол. – геология

грам. – грамматика

<грек.> – грекча

деалик сўзл.усл. – деаликтик сўзлашув услуби

ёзма усл. – ёзма услубга хос

зоол. – ёзма услуб

<исп.> – испанча

лингв. – лингвистика

<лот. -фр.> – лотинча-французча

<лот.> –лотинча

мат. – математика

неол. – неологизм

поэт. – поэтик

<роман.> – романча

сўз. усл. – сўзлашув услубига хос

тех. –техника

тиб. –тиббиёт

физ. – физика

<фр.> – французча

хим. – химия

эск. – эскирган

ҳаз. – ҳазил

A

1. **a-**_каммаҳсул ўзлашма префикс <грек.>_ — Ўзи билан бирикиб келган сифатнинг антонимини, қарама-қарши маъносини билдиради ≈ un-; ***ahistorisch*** <eine Betrachtungsweise> нотарихий, тарихий эмас □ historisch, ***alogisch*** <das Denken> мантиксиз, мазмунсиз □ logisch, ***amusisch*** <ein Mensch>санъатни тушунмайдиган (англамайдиган); санъатга қобилиятсиз □ musisch, ***anormal*** <Zustände> нонормал, анормал □ normal, ***asymmetrisch*** <eine Figur> асимметрик, носимметрик, симметриясиз □ symmetrisch.
|| Изоҳ: бу префикс *abnorm* (нотўғри, нонормал сўзида) *ab-*, *anorganisch* (ноорганик, жонсиз сўзида) *an-* шаклида келади.

2. **ab-** [ap-], *t ва z дан олдин* **abs-** *[aps-], маҳсулсиз ўзлашма префикс <лот.> кўп маъноли* — Сифатларга ўзгариш, шунингдек, нотўғрилик маъносини беради; *(баъзида ўзакда товуш ўзгариши содир бўлади);* ***abnorm*** **1)** нотўғри, қоида (меъёр)дан четга чиқувчи, ғайритабиий **2)** хунук, оғрикли **3)** *сўз. усл.* ғайриоддий, улкан □ normal, ***abnormal*** *сўз. усл.* нотўғри, меъёр (қоида)лардан четга чиқувчи, ғайритабиий □ normal, ***abstrakt*** мавҳум, умумий тарздаги, конкрет бўлмаган, абстракт □ abstrahieren.

3. **-a·bel** *феъллардан (асосан -ieren билан тугаган) кейин қўшилади, ўргули, каммаҳсул ўзлашма суффикс <лот. -фр.>* — Нимадир мумкин, имконли ёки ким/нимадир бирор нарса учун яроқлилигини ифодалайди ≈ -bar; ***akzeptabel*** мақбул, маъқул □ Akzept *n*, ***deklinabel*** турланувчи ≈ deklinierbar ↔ indeklinabel <ein Wort> турланмайдиган, ***transportabel*** <ein Fernsehapparat> кўчма, кўчириладиган □ Transport *m*, ***praktikabel*** <eine Lösung, eine Methode> амалий, амалга оширса бўладиган □ Praktik *f*, ***reparabel*** тузатиб (тўғрилаб) бўладиган ≈ reparierbar ↔ irreparabel <ein Schaden>
|| Изоҳ: *der Schaden ist irreparabel ≈ ein irreparabler Schaden.*

4. **a·ber-** *маҳсулсиз ярим префикс* — Ўзакдан англашилган сифат мазмунига салбий (баҳо бериш) маънони юклайди; ***aberklug*** айёр, муғомбир; *кин..* ҳаддан ортиқ (ўта) ақлли □ klug, ***aberweise*** синчков, ҳар нарсани билишга қизиқувчи, суриштираверадиган, ўзига бино қўйган, манман □ weise, **aberwitzig** *бад.* беақл, эси йўқ, тентак, жинни, кўнглига келганини қилаверадиган, бемаъни (аҳмоқона) иш тутадиган; аҳмоқона, телба-тескари □ witzig.

5. **ab·grund-** ['apgrunt-] *каммаҳсул ярим префикс* — Ўзи бириккан сифат маъносини (таъсирчан, ҳис-туйғули) кучайтиради, орттиради; ***abgrundhäßlich*** ўта хунук, бадбашара □ häßlich, ***abgrundtief*** *бад.* тагсиз, тубсиз; ўта чуқур □ tief.

6. **ad-** [at-] *каммаҳсул ўзлашма префикс <лот.>* — Бирикиб келган сифатларга бирор нарса билан боғлиқ (муносабатда/алоқада) бўлиш маъносини беради; ***adnominal*** *грам.* от (исм)ларга оид, улар билан боғлиқ, от (исм) ... □ nominal, ***adverbal*** *грам.* феълларга оид, улар билан боғлиқ, феъл .. □ verbal, ***adäquat*** адекват, муқобил, мос, лойиқ.

7. **ae·ro-** [aero-] — Терминологик лексикага оид ўзлашма

каммаҳсул ўзлашма префикс *<грек.>*

сифатларга бирикиб ҳаво, авиация билан боғлиқ маънони ифодалайди; ***aero-dynamisch*** аэродинамик □ dynamisch, ***aerostatisch*** аэростатикага оид, аэростатик ... □ statisch.

8. **af·fen-** ['afen-] *маҳсулсиз* ярим префикс

Ўзи бириккан сифат маъносини (таъсирчан, ҳис-туйғули) кучайтиради, орттирадири; ***affenjung*** *сўз. усл.* жуда ёш □ jung.

9. **ag·ro-** *маҳсулсиз* ўзлашма префикс *<лот.>*

Ўзлашма терминлар олдидан келиб, уларга қишлоқ хўжалигига оидлик, у билан боғлиқлик маъносини билдиради; ***agrotechnisch*** агротехник □ technisch.

10. **-al, -ial** *сермаҳсул* ўзлашма суффикс, *кўп маъноли <лот.-фр.>*

1. Ким/нимагадир тегишли, қарашли ёки у билан алоқадор (боғлиқ)лигини ифодалайди; ***direktorial*** директорга оид, директор ... □ Direktor *m*, ***formal*** расмий, қонунга мувофиқ □ Form *f*, ***gouvernemental*** *(фр.)* [guvern(s)ma'ta:l] *эск.* **1)** ҳукуматга оид, ҳукумат ... **2)** губернияга оид, қарашли; губерния .., ***kontinental*** қитъага оид, континентга оид, континентал □ Kontinent *m*, ***ministerial*** вазирга ва вазирликка оид; вазир...; вазирлик...; □ Minister *m*, ***national*** **1)** миллий **2)** миллий, давлатга оид □ Nation *f*, ***museal*** музейга оид □ Museum *n*.

2. Инсонни тасвирлашда ўзакдан англашилган хулқ-атвор, сифатга эгаликни билдиради; ***banal*** бемаза, бемаьни, дидсиз, сийқаси (расвоси) чиққан, эскирган, маза-матраси қолмаган, тутуриқсиз, ***brutal*** **1)** қупол; ҳиссиз, раҳмсиз, золим **2)** зўрлик (зўравонлик) билан қилинган, амалга

оширилган, мажбурий, зўраки.

3. Ўзлашма от ўзагидан англашилган маънога ўхшашлик, мутаносиблик маъносини билдиради *(баъзан ўзакдаги охирги унли ўзгариши мумкин);* ***kolossal*** **1)** улкан, ҳашаматли, жуда катта **2)** *сўз. усл.* бошқаларга ўхшамаган, бошқалардан фарқ қиладиган, бошқача, аломат □ Koloß *m*, ***monumental*** монументал, ҳашаматли, маҳобатли, улуғвор □ Monument *n*, ***pyramidal*** *сўз. усл.* улкан, баҳайбат; ҳаддан ташқари, одатдан ташқари □ Pyramide *f*.

4. Нима биландир алоқадорлик, боғлиқликни ифодалайди *(баъзан ўзакдаги охирги унли ўзгариши мумкин)*; ***axial*** ўққа оид; ўқ бўйлаб йўналган, бўйлама...; ўқ..., симметрик □ Achse *f*, ***horizontal*** горизонтал, уфқий, ётиқ □ Horizont *m*, ***vertikal*** вертикал йўналишдаги, вертикал; тик.

11. **all-** *даражасиз, каммаҳсул* ярим префикс, *кўп маъноли*

1. Нимадир ҳар доим айнан бир айтилган вақтда содир бўлишини ифодалайди; ***allabendlich*** <der Spaziergang> ҳар куни кечқурун (кечқурунлари) бўладиган, ҳар кечқурунги □ abendlich, ***alljährlich*** <die Festspiele, ein Ereignis> ҳар йилги, йилда бир марта бўладиган (ўтказиладиган), йиллик □ jährlich, ***allsonntäglich*** <der Besuch> якшанба кунига оид; якшанба куни бўлган (бўладиган), якшанба кунги; якшанба... □ sonntäglich, ***alltäglich*** ҳар кунги, ҳар куни бўладиган (қилинадиган), кундалик □ täglich.

2. Ҳамма, бутун(лай), тўлиқ, умум(ан) каби маъноларни ифодалайди; ***allbekannt*** <ein

Politiker> ҳаммага маълум бўлган, ҳамма биладиган □ bekannt, ***allgewaltig*** <ein Herrscher> ҳар нарсага қодир, қудратли, кучли □ gewaltig, ***allmächtig*** <Gott> ҳар нарсага қодир; ҳар нарсага кучи, қудрати етадиган □ mächtig.

12. **al·ler-** *урғули, сермаҳсул* ярим префикс, *деалик сўзл.усл.* — Орттирма даражадаги белгининг мазмунини янада кучайтириш (орттириш) учун ишлатилади; ***allerbest-*** энг яхши □ best (gut), ***allerhöchstens*** бошқа иложи топилмай қолганда; жуда бўлмайдиган бўлса, жуда бўлмаса □ höchstens (hoch), ***allerletzt-*** энг охирида, энг сўнггида □ letzt, ***allerliebst-*** энг севимли, ўта суюкли □ liebst (lieb), ***allerschlimmst-*** энг ёмон □ schlimmst (schlimm), ***allerschönst-*** энг (ўта) чиройли, келишган □ schönst (schön), ***allerspätestens*** энг кечи билан, ўта кеч қолганда □ spätestens (spät).

13. **al·lo-**, *унлилар олдидан* **all-** [al-] *шаклида, маҳсулсиз* ўзлашма префикс *<грек.>* — Сифатларга ўзгарувчанлик, хилма-хиллик маъносини беради; ***allochromatisch*** [-к-] аллохроматик □ chromatisch, ***allochton*** *геол.* аллохтонник □ autochton, ***allogam*** кўндаланг чангланадиган, уруғланадиган.

14. **all·zu** *сермаҳсул* мураккаб ярим префикс — Ўзакдан англашилган маъно, белгини кучайтиради, унинг таъсирчанлигини оширади; ***allzufrüh*** жуда эрта □ früh, ***allzugern*** (жуда) бажону дил □ gern, ***allzusehr*** ўта □ sehr, ***allzuviel*** жуда кўп □ viel, ***allzuwenig*** жуда кам, оз □ wenig.

15. **an-** *маҳсулсиз* ярим префикс — Ўзакдан англашилган маънони маълум даражада кенгайтиради, аниқлаштиради; ***angenehm*** 1) ёқимли, хуш келадиган 2) исталган, тиланган, матлуб, маъқул, мақбул; керак □ genehm.

16. **-ant** *сермаҳсул (бўлган)* ўзлашма суффикс *<лот.-фр>*, *кўп маъноли.* — **1.** Инсон характерини тасвирлашда ўзакдан англашилган белгининг мавжудлигини билдиради; ***arrogant*** манман, димоғдор, димоғи (кибр-ҳавоси) баланд, мағрур, такаббур, кеккайган □ Arroganz, ***elegant*** зебо, башанг, ораста; келишган, хушбичим □ Eleganz *f*, ***konziliant*** хушмуомала, муомалали, мулойим, сермулозамат, сертакаллуф, такаллуфли, ***tolerant*** чиқишиб кета оладиган, сабр-тоқат қиладиган, сабр-тоқатли □ Toleranz *f*.

2. Ўзакдан англашилган маънога эгаликни билдиради; ***diskrepant*** оғувчи, четга чиқувчи, фарқланувчи (хислат) □ Diskrepanz *f*, ***frappant*** ҳайратда қолдирадиган, ажойиб, ақлни шоширадиган, ниҳоятда ажойиб воқеа (ҳодиса) □ frappieren *vt*, ***redundant*** керагидан ортиқ, кўп, ортиқча □ Redundanz *f*, ***relevant*** муҳим, аҳамиятли; долзарб □ Relevanz *f*, ***vakant*** вакант, бўш (ҳеч ким банд қилмаган) □ Vakanz *f*.

17. **an·ti-** *урғули ва урғусиз, (қисман) сермаҳсул* ўзлашма — Ким/нимагадир қарши йўналтирилган, ким/ниманингдир акси; ***antiautoritär*** <eine Erziehung> авторитар (тизим)га қарши, антиавторитар □ autoritär, ***antidemokratisch*** <Tendenzen, Äußerungen> демократияга

префикс *<грек.>*

қарши; демократияга қарши қаратилган, антидемократик □ demokratisch, ***anti-faschistisch*** <der Widerstand, eine Politik> фашизмга қарши қаратилган, антифашист □ faschistisch, ***antiimperia-listisch*** <eine Haltung> империализмга қарши; империализмга қарши каратилган, анти-империалистик □ imperialistisch, ***anti-semitisch*** <eine Gesinnung> анти-семитларга ва антисемитизмга оид, антисемитизм руҳидаги, антисемитик □ semitisch.

18. **-ar** *маҳсулсиз ўзлашма суффикс <лот.-фр.>*

Ўзакдан англашилган маънони жонсиз предмет ва ҳодисаларда мавжудлигини ифодалайди (асосан, терминларда); ***atomar*** **1)** *хим., физ.* ядрога (атом ядросига) оид **2)** ядровий, атомга оид □ Atom *n*, ***insular*** оролга оид; оролда бўлган (бўладиган), оролда жойлашган; оролдаги; орол... □ Insel *f*, ***korpuskular*** *физ.* корпускулага оид; корпускуляр □ Korpuskel *n*, ***lunar*** *астр,* ойга оид; ой... □ Luna *f*, ***molekular*** молекулага оид; молекуляр; молекула... □ Molekül *n*, ***auxiliar*** *(эскирган шакли.* auxiliär) ёрдамчи, кўмакчи, ***velar*** *фон.* тил орқа □ Velum *<лот.> n.*

19. **-är** [-'ɛ: r] *маҳсулли ўзлашма суффикс <лот.-фр.>, кўп маъноли*

1. Нимагадир тегишли, қарашли эканлик маъносини ифодалайди *(баъзан ўзакда товуш ўзгариши содир бўлиши мумкин);* ***muskulär*** мускул(лар)га, мушакларга оид; мускул...; мушак... □ Muskel *m*, ***reaktionär*** **1)** реакцион **2)** реакция чақирувчи □ Reaktion *f*,***revolutionär*** революцион, инқилобий, революцион (инқилобий) руҳдаги, революцион (инқилобий) руҳ билан

суғорилган □ Revolution *f*, ***autoritär*** обрўга эга бўлган, обрўли, нуфузли, эътиборли □ Autorität *f*, ***quaternär*** *хим.* тўртламчи (даврга оид) □ Quartär *n*, ***sanitär*** санитарияга оид; санитария... □ Sanität *f.*

2. Нима биландир боғлиқ, у билан алоқадор каби маънони англатади; ***bazillär*** бацилла (таёқча шаклидаги бактерия)га оид □ Bazillen *pl*, ***legendär*** афсонадан (ривоятдан) иборат бўлган; афсоналарда бўладиган, афсонавий □ Legende *f*, ***visionär*** **1)** хаёлда (тасаввурда) кўринадиган, хаёлдаги, хаёлий **2)** башоратли, башорат қилиб айтилган, доҳиёна □ Vision *f.*

20. **-arm** *даражасиз, сермаҳсул* ярим суффикс

Ўзакдан англашилган нарсага оз, кам миқдорда эга маъносини англатади ≈ arm (2) an etwas ↔ reich; ***fantasiearm*** <ein Mensch> ижодкорона эмас, фантазияга бой бўлмаган □ Fantasie *f*, ***fettarm*** <eine Kost> ёғи кам, ёғга бой бўлмаган □ fett, ***gefühlsarm*** <ein Mensch> ҳис-туйғуга бой бўлмаган □ Gefühl *n*, ***geräuscharm*** <eine Maschine> кам шовқинли □ Geräusch *n*, ***ideenarm*** <ein Film> ғоя, фикрга бой бўлмаган □ Idee *f*, ***kalorienarm*** <eine Kost> кам калорияли, калорияси кам (паст); тўйимсиз □ Kalonie *f*, ***kontaktarm*** <ein Mensch> кам алокали; кам чиқишимли, киришувчан эмас □ Kontakt *m*, ***niederschlagsarm*** <ein Monat> ёғингарчилик кам бўлган, қуруқ келган, қуруқ □ Niederschlag *m*, ***nikotinarm*** <eine Zigarette> кам никотинли, никотини кам □ Nikotin *n*, ***stickstoffarm*** <ein Boden> азотга бой

бўлмаган, азоти кам, кам азотли □ Stickstoff *m.*

21. **-ar·tig** *даражасиз, сермаҳсул* мураккаб суффикс

Сўзнинг ўзагидан англашилган маънога ўхшаш ёки ўшандек яратилганлик маъносини англатади; ***blitzartig*** <eine Reaktion> яшин тезлигидаги; яшиндек тез; шиддатли □ Blitz *m*, ***katzenartig*** <eine Geschicklichkeit> худди мушук каби, мушукдек □ Katze *f*, ***krebsartig*** <eine Geschwulst> рак касалига оид; рак… □ Krebs *m*, ***palastartig*** <ein Haus> ҳашаматли, саройдек □ Palast *m*, -es, ..läste, ***sintflutartig*** <Regen> жалали (кучли) □ Sintflut *f*, ***wellenartig*** <eine Bewegung> тўлқинсимон, тўлқинга ўхшаш □ Welle *f.*

22. **-at** *камаҳсул* ўзлашма суффикс *<лот.>*

Сифатларга одамларни, предметларни ва ҳодисаларни тасвирлашда ўзакдан англашилган хислат (хусусият) маъносини беради; ***delikat*** хушмуомала, назокатли, одобли, мулойим □ deliziös *Adj..*, ***desperat*** умидсизланган, умидсизликка тушган, руҳи тушиб кетган, мушкул (ноилож, иложсиз) аҳволдаги; ноиложликдан қилинган; ноилож, ноумид □ Desperado *<исп.> m*, ***obligat*** бажарилиши (қилиниши) шарт бўлган, албатта қилиниши керак бўлган, мажбурий, керак, лозим, шарт □ obligieren *vt эск.*, ***probat*** синалган, синашта, синамол, ишончли □ probieren *vt*, ***separat*** айрим, алоҳида, бўлак, мустақил □ separieren *vt эск.*, ***desolat*** **1)** якка, ёлғиз, танҳо; бошқалардан ажралган, сўппайган, сўққайган, сўққа **2)** тасалли топмаган, тасалли берган билан бўлмайдиган,

юракдан чиқмайдиган, дардманд, дард-ҳасрати кўп, ***disparat*** бир-бирига тўғри (мувофиқ, мос) келмайдиган, зид; қарама-қарши, ***obstinat*** ўжар, қайсар, саркаш.

23. **au·to-** *ургусиз, каммаҳсул* ўзлашма префикс *<грек.>*

Ниманидир ўзга шахс ёрдамисиз содир бўладишини ифодалайди; ***autodidaktisch*** мустақил, ўзи ўрганадиган □ didaktisch.

B

24. **-bar** *сермаҳсул* суффикс, *кўп маъноли*

1. *(Ўтимли феълдан, мажҳул нисбат мазмунли)* Сўз ўзагидан англашилган ҳаракатнинг амалга ошувчанлигини ифодалайди (*кўпинча un-* га антоним бўлади); ***(un)abwendbar*** <ein Unglück> олдини олса, бартараф этса бўладиган □ abwenden, ***(un)anfechtbar*** <ein Vertrag> жанжалли, мунозарали, талаш □ anfrechten, ***(un)annehmbar*** <Bedingungen> мақбул, маъқул, мувофиқ, қабул қилса бўладиган □ annehmen, ***(un)auffindbar*** <eine Stelle> топиладиган, топса бўладиган □ auffinden, ***(un)auflösbar*** <eine Bindung> ҳал бўладиган, ҳал қилиб (ечиб) бўладиган □ auflösen, ***(un)ausführbar*** <ein Auftrag> бажарилиши (амалга оширилиши) мумкин бўлган, амалга ошадиган, бажарса бўладиган □ ausführen, ***auswechselbar*** <ein Objektiv> алмашинадиган, бир-бирининг ўрнига қўйиладиган, алмаштириладиган, алмашинувчи □ auswechseln.

2. Сўз ўзагидан англашилган маънони осон тарзда амалга ошишини ифодалайди (*un-* га

- 3357 -

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI